

Пойтахти - Богчасарой. Худуди-400 минг км² (1500). Давлат тили - татар тили.

Крим хонлиги Днепр ва Дунай орасидаги ерларни, Азов бўйларини ва хозирги Краснодар ўлкасининг катта кисмини эгаллаган. Хонлик расман 1478 йилдан Усмонийлар давлатининг иттифокчиси бўлган ва бу иттифок, 1774 йилги Кичик Кайнаржа битими тузилгунча, амалда бўлган. Крим хонлиги Россия империяси томонидан 1783 йили аннексия килинди.

Мўгулларнинг Кримга юриши 1223 ва 1239 йилларга тўгри келади. 1224 йили улар руслар ва половецларнинг бирлашган кўшинини енгиб Судокни олишди. 1237 йили мўгуллар томонидан половецлар йўқ килинди. Шундан сўнг бутун Крим Олтин Ўрда номи билан машхур Жўжи улуси таркибига кирди.

1363 йили Литва князи Ольгерд татар кўшинини енгиб Кримга тажовуз килди, Херсонни талон-торож этди.

1397 йили Витовт Кримга юриши чогида Каффагача келиб, Херсонни вайрон килди.

1399 йили Тўхтамишга ёрдам берган Витовт Ворскла бўйларида Темур Кутлуг бошлиқ татарлар томонидан тор-мор келтирилди.

Кримнинг мустакил бўлиши

1420 йили, Едигей вафотидан сўнг, Олтин Ўрда Крим устидан назоратни йўкотди. Шундан кейин Кримда тахт учун кураш бошланиб кетди. Бу курашда гирейлар сулоласига мансуб Хожи Гирей голиб бўлди. 1427 йили у ўзини Крим хони деб эълон килди. 1441 йили Литва князлиги ва махаллий зодагонлар томонидан тахтга чикарилди.

XV аср ўрталарида Олтин Ўрда ичидаги нотинчликлар туфайли давлат Крим, Козон, Астрахан хонликпари ва Нўгай Ўрдага бўлинниб кетди.

Усмонийлар давлатига тобелик

1482 йили Москва князи Иван III Менгли Гирейни польяк ерларига юриш килишга чакирди. Менгли Киевни эгаллаб талон-торож килди. Хон кўлга тушган нарсалардан Иван III га София черковидаги кимматбахо буюмларни юборди. 1474 йили Иван III Менгли Гирей билан иттифок тузди, бу иттифок унинг ўлумигача сакланиб колди.

1475 йили усмонийлар кўшини генуяликлар асос соглан Крим сохилларидағи Феодоро князлигини эгаллади. Князликда 200 мингтacha киши яшар, ахолининг асосий кисми греклар, алланлар, готлар ва бошкалар эди. Кримнинг тогли минтакаларини, Кора денгиз,

Муаллиф:

16.04.2014 22:27 -

Азов денгизи бўйларидағи ва Кубандаги калъаларини эгаллаган мазкур худудлар тўғридан-тўғри Истанбулга бўйсунарди. Турклар у худудда кўшин, давлат аппаратини жорий килиб, солик йигиш билан шугулланган.

1478 йилдан бошлаб Крим хонлиги расман Усмонийлар давлатининг вассалига айланди, 1774 йилги Кичик Кайнаржа битими имзолангунча, вазият сакланиб колди. Хонларни тайинлаш, тасдиклаш ва агдариш 1584 йилдан Истанбул хохишига караб амалга ошириларди.

Москва давлати ва Реч Посполитага карши урушлар

XV аср охиридан Крим хонлиги Москва давлати ва Польшага карши мунтазам юриш килиб турди. Бу юришлар, асосан, ахолини талаш ва кул килишдан иборат эди. Айникса, асиrlарни кўлга олиш татарларни кўпроқ кизиқтираради. Асиrlарни кул килиб сотиш хонликнинг муҳим даромад манбаи эди. Каффада йирик кул бозори фаолият кўрсатган. Баъзи тадқиқчилар фикрича, Кримнинг кул бозорларида икки аср мобайнида 3 миллиондан ортиқодам сотилган, уларнинг асосий кисми руслар, украинлар ва польяклар эди. Хар иили Москва давлати 65 минггача кишини кеч кузгача Ока дарёсини химоя килишга жўнатган.

Кримнинг ўзида асиrlар кўп колдирилмасди. Кримнинг урф-одатига кўра, куллар 5-6 йилдан сўнг озод килинган. Хозиргача сакланиб колган рус ва украин хужжатларида баъзи асиrlар ўз юртига кайтиб боргани ёзилади. Озод килинган кишиларнинг айримлари Кримнинг ўзида колишни маъкул кўрган. Украина тарихчиси Дмитрий Яворницкий куйидаги воеани келтиради: «1675 иили Запорожье казаклари атамани Иван Сирко Кримга боскин килиб катта мол-мулкни кўлга киритди, жумладан, етти мингта якин христиан кулларни хам. Атаман уларга казаклар билан бирга ватанингиз кайтасизми ёки Кримда коласизми деб мурожаат килган. Асиrlарнинг уч минги Кримда колишни билдирган. Сирко уларни кириб ташлашни буюрган». Кримда кулга айлантирилган кишилар исломни кабул килса, дархол озод этилган. Рус тарихчиси Валерий Возгриннинг маълумотлари бўйича, Кримда XVI - XVIII асрлардаёк кулчилик тугатилган. Асиrgа олингандарнинг кўпчилиги Усмонийлар давлатига сотиб юборилган. Хон Давлат I Гирей Иван IV Грознийга карши тўхтовсиз уруш олиб борган.

1571 иили Крим хони 40 минг суворий кўшин билан Москвага юриш килиб ўт кўйди. Хон бу галабаси учун «Тахт алган» (Тахтни олган) унвонига эга бўлди. Кўплаб тарихчилар гувоҳлигига кўра, Москвада бир неча юз мингдан ортиқ киши ўлган ва 50 мингга якин киши асиr тушган. Иван IV Польша каби Крим хонлигига хар иили ўлпон тўлаш мажбуриятини олди. Пекин 1572 иили Молодях жангига татарлар какшаткич маглубиятга учрашиди. Натижада Крим хонлиги аввалги кудратини йўкотиб, Волгабўйига даъвосидан воз кечди. Кримга ўлпон тўлаш XVII аср охиригача давом этган ва Пётр I даврига келгандагина тўхтаган.

XVII аср - XVIII асрнинг бошларида Крим

Ислом III Гирей (1644 - 1654) украин гетмани Богдан Хмельницкийга Польшага карши олиб борган курашида ёрдам берди.

Сайёх Авлиё Чалабий 1660 йили Крим бўйлаб саёҳат килар экан, бир канча кимматли маълумотлар колдирган, масалан: «Татар фукаролари 12 тилда сўзлашишади ва факаттаржимони оркалигина бир-бирларини тушунишади», -деб ёзади.

Салим I Гирей (1671 -1678, 1684 -1691, 1692-1699, 1702 -1704) усмонийлар билан бирга Реч Посполитага карши муваффакиятли, Москва давлатига карши омадсиз уруш олиб борди. Москвага карши юришдаги маглубиятдан сўнг Родосга сургун килинди.

Мурод Гирей 1683 йили турклар билан бирга Венани камал килишда, немисларга карши жангларда иштирок этган. Вена остоналарида маглубиятга учраб турк сultonига хиёнат килишда айбланган ва хонликдан маҳрум этилган.

Карл XII ва Мазепа билан иттифок тузишга уриниш

1700 йилги Константинополь битими крим татарларига Россия ва Украина ерларига боскин килишни такикларди.

Карл XII 1709 йил баҳорида Давлат II Гирейга бир неча бор харбий-сиёсий иттифок тузишни таклиф килди. Усмонийлар давлати Россияга карши уруш олиб боришни астойдил истамаётгани боис, Крим хонлиги рус-швед уруши силсиласидаги Полтава жангидан бетарафликни саклади.

Полтава жангидан сўнг Карл XII Истанбул ва Богчасарой билан яхши алокани йўлга кўйди. Ахмад III урушда катнашишга иккиланган бўлса, Давлат II Гирей хар кандай чакирикка рози эди. Уруш бошланишини кутмасдан 1710 йил май ойида Карл XII нинг ноиби Филипп орлик ва запорожъеликлар билан битим тузди.

Битим шартлари куйидагича эди:

- Хон запорожъеликлар билан иттифок тузиш мажбуриятини олди, бирок бу холатда уларни бўйсундирмаслиги лозим эди.
- Давлат II Украянанинг Москвадан тўлиқ мустакил бўлишига ёрдам бериши, бу холатда асир олмаслиги ва православ черковларини таламаслиги керак эди.
- Хон Украянанинг шарк томонини Москвадан ажратиб, гарб томонига кўшиб ягона мустакил давлатга бирлаштиришда бор кучи билан ёрдам бериши талаб этиларди.

1711 йил 6-12 январь кунлари Крим кўшини Перекопдан ўтди. Киевга Махмуд Гирей 40 минг кишилик кўшин билан юриш бошлади, унга 7-8 минг кишилик орликлар ва

Крим хонлиги ва унинг хароб бўлиши

Муаллиф:

16.04.2014 22:27 -

запорожъеликлар, 3-5 минг польяклар, 400 нафар яничар ва полковник Цюлих бошлик 700 кишилик шведпар хамроҳ эди.

1711 йил февраль ойи давомида Крим кўшини Брацлав, Богуслав, Немировни эгаллади. 1711 йил ёзида Пётр I 80 минг кишилик кўшин билан Прут юришига жўнади. Крим кўшини турклар билан биргаликда 70 минг киши чамаланаарди. Улар Пётрни курсовга олишди. Пётр I иложсиз колиб турклар билан Прут тинчлик сулхини имзолади. Сулхга кўра, Россия Азов денгизига чикиш имкониятидан маҳрум бўлди ва Азов-Кора денгиздаги флотидан айрилди.

1736-1738 йиллардаги рус-крим уруши ва Кримнинг хароб бўлиши

Коплон I Гирей (1707- 1708, 1713- 1715, 1730-1736). Коплон усмонийларнинг Эронга карши урушида катнашишга маж-бур эди. Россия империяси норозилигига карамай, хон кўшинини рус чўлларидан олиб ўтди. Бу эса Крим ва Россия ўртасида янги уруш чикишига сабаб бўлди. Россия 1735- 1738 йилларда Кримга Миних ва Ласси бошчилигига кўшин жўнатди. Бу юриш натижасида Крим пойтахти Богчасарой билан биргаликда хароб килинди.

1736 йили Миних кўшини Кезлев ва Богчасаройни бутунлай вайрон этди, шахарга ўт кўйилди, кочишига улгурмаган ахоли киргин килинди. Шундан сўнг рус кўшини йўлидаги барча манзилгохларни талаб Кримнинг шаркий кисмига юриш килди. Бирок ўликпар ўз вактида дафн этилмагани боис, вабо таркалиб, кўплаб рус аскарлари кирилди. Миних колган кўшинни олиб Перекоп ортига кетди. Шаркий Крим 1737 йили Ласси бошлик кўшин томонидан хароб этилди. Рус кўшини Корасувбозорга ўт кўйиб, шахар ахолисини кириб ташлади. 1738 йили Кримга карши янги юриш режалаштирилди, лекин Кримда хаммаёк вайрона холида бўлгани ва очарчилик давом этаётгани сабаб, юриш уюстирилмади. 1736 - 1738 йиллардаги уруш Крим учун халокатли бўлди. Барча муҳим шахарлар хароба холида ётар, иктисадга жуда катта зарар етказилган, мамлакатда очарчилик ва вабо хукм сурарди. Ахолининг катта кисми ўлганди.

1768 - 1774 йиллардаги рус-турк уруши ва Кичик Кайнаржа битими

Крим Гирей II бошкаруви даврида Усмонийлар давлатини Россияга карши урушга тортди. Бу уруш хонликнинг кулашига сабаб бўлди. Уруш Россия учун катта фойда келтирди. Румянцевнинг Ларга ва Калугадаги, Орловнинг Чесмадаги галабалари Екатеринани бутун Европада машхур килди.

Рус кўшини кўмандони Долгоруков Кримга кириб Салим II ни иккита жангда маглуб этди, бир ой ичida Кримни эгаллади. Долгоруков кўшини Кримни талаб шахарларга ўт кўйди, тинч ахоли хам аямай кириб ташланди. Салим II Истанбулга кочди. Кримликлар

Муаллиф:
16.04.2014 22:27 -

куролларини ташлаб Россияга бўйсунишини билдириди.

1774 йил 10 июлда тузилган Кичик Кайнаржа битимиға мувоғик Крим хонлиги сакланиб колди, лекин Кинбурн, Керчъ ва Еникалья Россияга ўтди, шунингдек, Кора денгизда рус флоти эркин харакатланиш хукукига эга бўлди.

Сўнгги хонлар ва Кримнинг Россия томонидан босиб олиниши

Рус кўшини Кримдан чиқарилгач, бутун мамлакатда исён бошланди. Алуштага турк бўлинмалари келиб ўрнашди, рус резиденти Веселицкий Шоҳин томонидан асирга олиниб турк кўмондонлигига топширилди. Алушта, Ялта ва бошка жойларда рус бўлинмаларига хужум килинди. Кримликлар Давлат IV ни хон килиб сайлашди. Бу вактда Истанбулдан Кичик Кайнаржа битимининг матни олинди. Бирок кримликлар битимда кўрсатилган шахарларни Россияга беришни хохлашмасди.

1776 йили Россия жанубий чегаралар хавфсизлигини таъминлаш максадида Днепр бўйлаб Азовгача 7 та калъа курди.

Хон Шоҳин Гирей хукмронлиги даврида бир катор ислохотлар ўтказишга уринди. Лекин ахоли ўртасида хар хил ихтилофлар чиқиб, рус бўлинмаларига хужум килишди ва хон саройини талашди. Шоҳин бир канча ваъдалар беришига карамай, таҳтдан агдарилди. Улар Баҳодир II ни таҳтга чиқаришди. Руслар тезда Кримдаги исённи бостириди. Шоҳин яна таҳтга ўтириб ракибларини катагон килди.

Русларнинг Азов бўйидаги кўшинига Суворов кўмондон этиб тайинланди. 1778 йили Кримдаги христианлар (таҳминан 30 минг киши) Азов бўйларига, греклар Мариополга, арманлар Нахичеванга кўчирилди.

Шоҳин бу воқеалардан сўнг усмонийлар хукуматига мурожаат этди. Усмонийлар Кримдан рус кўшинининг чиқарилишидан сўнггина уни хон деб тан олишларини билдириди. 1782 йили Кримда янги кўзголон бошланди. Шоҳин аввал Еникальага, сўнг Кубанга кочди. Россия томонидан тан олинмаган Баҳодир II хон этиб сайланди. 1783 йили рус кўшини огохлантиришсиз Кримга бостириб кирди, Шоҳин Гирей таҳтдан воз кечди. Унга яшаш учун Россиянинг бирорта шахрини танлаш имкони берилиб, харажати учун маблаг ажратилди. Дастлаб Воронежда, сўнг Калугада яшади. Бироз вакт ўтгач усмонийлар хукуматининг сўровига биноан Шоҳин туркларга топширилди ва Родос оролига жойлаштирилди.

1783 йил 8 апрелда Россия императори Екатерина II Крим, Таман ва Кубаннинг Россияга ўтгани хакида манифест эълон килди.

1791 йили Ясса тинчлик сулхига кўра Усмонийлар давлати Кримни Россия худуди деб эътироф этди.

Шодмон Вохидов, Адишер Кодиров
"Шарқнинг машхур сулолалари" китобидан

Крим хонлиги ва унинг хароб бўлиши

Муаллиф:

16.04.2014 22:27 -
